

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ВАЗИФАЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИ

Мансурова Хулкар Набиевна

Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг
мурожаатлар билан ишлаш бўйича катта ёрдамчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10617591>

Аннотация: мақолада фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари ва уларни амалга оширишнинг процессуал кафолатлари таҳлил қилиниб, унда фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари сифатида фуқаролик ишларини адолатли кўриб чиқиш ва ҳал этишни назарда тутиш таклифи асослантирилган.

Калит сўзлар: фуқаролик процессуал кодекси, фуқаролик суд ишларини юритиш, вазифалар, процессуал кафолатлар, судда иш кўриш муддатлари, адолатлилик, такомиллаштириш.

Аннотация: в статье анализируются задачи гражданского судопроизводства и процессуальные гарантии их реализации, в котором обосновано предложение предусмотреть в качестве задач гражданского судопроизводства справедливое рассмотрение и разрешение гражданских дел.

Ключевые слова: гражданский процессуальный кодекс, гражданский судопроизводства, задачи, процессуальные гарантии, сроки судебного разбирательства, справедливость, совершенствование.

Abstract: The article analyzes the tasks of civil proceedings and procedural guarantees for their implementation, which substantiates the proposal to provide fair consideration and resolution of civil cases as tasks of civil proceedings.

Key words: civil procedural code, civil proceedings, tasks, procedural guarantees, terms of trial, justice, improvement.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида мустақамлаб қўйилган ва кафолатланган ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи¹ мамлакатимиз

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон

Фуқаролик процессуал кодекси (кейинги ўринларда ФПК деб юритилади)да батафсил тартибга солинган. Мазкур Кодекс фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишга қаратилган вазифа ва мақсадлар тизимини ўзида ифода этади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2-моддасига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинлик-лари ва қонуний манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборат эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиши лозимлиги ўз ифодасини топди.²

Муқаддам амалда бўлган (1998 йил 1 январь) мамлакатимиз ФПКдан³ фарқли равишда 2018 йилнинг 1 апрелидан кучга кирган янги ФПКда фуқаролик суд ишларини юритиш қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш каби вазифани ҳам амалга ошириши назарда тутилган.

Агар узоқ тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг ФПКда мустаҳкамлаб қўйилган суд ишларини юритиш вазифалари Собиқ Иттифоқ даврида амалда бўлган Ўзбекистон Гражданлик процессуал кодексида белгиланган суд ишларини юритиш вазифаларидан жиддий фарқ қилади. Хусусан, Ўзбекистон Гражданлик процессуал кодексида гражданлик суд ишларини юритиш вазифалари ижтимоий тузумни, социалистик хўжалик тизимини ва социалистик мулкни муҳофаза қилишни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясидан устун қўйган (ГПКнинг 2-моддаси).⁴

² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // 2018 йил 22 январда кучга кирган ва шу йилнинг 1 апрелидан кучга кирган. <https://lex.uz/docs/3517337>

³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // 1997 йил 29 августда қабул қилинган, 2018 йилнинг 1 апрелида кучини йўқотган. <https://lex.uz/docs/186105>

⁴ Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодекси. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик процессуал кодекси. –Тошкент.: Ўзбекистон. 1986. –214 б.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ФПКда назарда тутилган вазифалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-бандида кўрсатилган “ҳар бир инсон, мабодо унинг конституция ёки қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, нуфузли миллий судлар томонидан ўз ҳуқуқларининг самарали тарзда тикланиши ҳуқуқига эгадир”, деб кўрсатилган нормаларига мувофиқ келади.⁵

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи назариясида фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифаларидан ташқари фуқаролик процессининг мақсадлари ҳақида ҳам гап боради. Бинобарин, юридик адабиётларда фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари ва мақсади ўртасидаги ўзаро муносабат, уларнинг фарқи ҳақида фикр-мулоҳазалар илгари суриб келинган. Профессор М.М.Мамасиддиқовнинг фикрича, қонун чиқарувчи суд ишларини юритиш вазифаларини фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан, суд ишларини юритиш мақсадларини эса ишни кўриб чиқиш жараёнига жалб этилган турли субъектларнинг манфаатларини ҳимоялаш билан боғлаган.⁶

О.П.Чудаева ҳам фуқаролик процессуал ҳуқуқ фанида “мақсад” ва “вазифа” тушунчалари мустақил ва бир турдаги тушунчалар эмаслигини, уларни ўзаро фарқлаш лозимлигини, фуқаролик суд ишларини юритиш мақсади ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликни олдини олиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, қонунга ва судга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат эканлигини таъкидлаб, мазкур мақсадга эришиш фуқаролик суд ишларини юритишнинг қуйидаги вазифаларини: 1) фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этишни тўғри ва 2) ўз вақтида амалга оширишни тақозо этади.⁷

В.В.Ярков Россия Федерацияси ФПКнинг “Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаси” деб номланган 2-моддасига ёзган шарҳида шарҳланаётган моддада фуқаролик суд ишларини юритиш мақсадлари ҳақида ҳам сўз боришини, мақсад – умумий юрисдикция судлари

⁵ Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. -Тошкент.: Адолат. 1992. -12 б.

⁶ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент: ТДЮИ. 2010. – 25 б.

⁷ Чудаева О.П. Реализация задач гражданского судопроизводства в стадии судебного разбирательства: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -М., 2009. -28 с.

томонидан одил судловни амалга ошириш орқали хусусий ва оммавий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эканлигини таъкидлайди.⁸

А.А.Власовнинг фикрича, қонунда икки хил тушунчанинг (вазифалар ва мақсади) қўлланилиши процесснинг изчиллик билан, кетма-кет ривожла-нишини талаб қилади, бинобарин, вазифалар ҳар доим мақсадга эришиш воситаси ҳисобланади.⁹ Суд фуқаролик ишларини суд мажлисида кўриш билан чекланмайди, ҳал қилув қарори чиқариш орқали ишни мазмунан ҳал этади. Бундай ёндашув фуқаролик суд ишлари юритиш вазифаларини процесснинг барча босқичларида қўллаш имконини яратади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қонун чиқарувчи суд ишларини юритиш вазифаларини фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан, суд ишларини юритиш мақсадларини эса ишни кўриб чиқиш жараёнига жалб этилган турли субъектларнинг манфаатларини ҳимоялаш билан боғлаган.

Фуқаролик иши бўйича суд ишларини юритишнинг мақсади низоли ҳуқуқий муносабат соҳасига жалб этилган барча субъектларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади.

МДҲга аъзо айрим давлатларнинг Фуқаролик процессуал кодекслари ўрганилганида, уларда фуқаролик суд ишларини юритиш мақсад ва вазифалари ҳам назарда тутилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Украина ФПКнинг 1-моддасига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари сифатида жисмоний шахсларнинг бузилган, тан олинмаган ёки низолашилаётган ҳуқуқ, эркинликлари ва манфаатлари, юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини адолатли, олдиндан ҳал қилиб қўймаслик ва ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишдан иборат.¹⁰

Дарҳақиқат, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари билан фуқаролик суд ишларини юритиш мақсади икки хил тушунча ҳисобланади. Бу борада М.М.Мамасиддиқов ва О.П.Чудаеваларнинг фикрига қўшилган ҳолда фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари

⁸ Комментарий к гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. Первого заместителя Председателя Верховного суда РФ В.И.Радченко. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, 2006. – 24 с.

⁹ Комментарий к Арбитражному процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный) / А.А. Власов и др., под ред. Г.А. Жилина – М.: «ТК Велби», 2004. – 16 с.

¹⁰ Гражданский процессуальный кодекс Украины от 18 марта 2004 года // ВВР. – 2004. – № 40 – 41, 42. – Ст. 492.

фуқаролик суд ишларини юритиш мақсадига эришишга хизмат қилиши лозим, деган хулосани илгари суриш мумкин. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг мақсади фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат барча субъектларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва шу орқали жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаро-ларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат бўлиши лозим. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2-моддаси номини “Фуқаролик суд ишларини юритиш мақсад ва вазифалари” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимиз ФПКда фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этишни назарда тутди. МДХга аъзо аксарият давлатларнинг Фуқаролик процессуал кодексларида фуқаролик суд ишларини юритиш юқоридаги каби вазифаларни назарда тутишини кўриш мумкин. Масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 2-моддаси, Молдова Республикаси ФПКнинг 4-моддаси, Қирғизистон Республикаси ФПКнинг 3-моддаси шулар жумласидандир.¹¹ Беларусь Республикаси ФПКнинг 5-моддасида эса фуқаролик процессуал қонунчиликнинг вазифалари сифатида фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этишдан ташқари суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам назарда тутилган.¹² Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 5-моддасида фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаси фуқароларнинг, давлат ва ташкилотларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузар-ликни олдини олиш ҳисобланиши белгиланиб, мазкур моддада фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этиш назарда тутилмаган.¹³

¹¹ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации (по состоянию на 20 сентября 2008 года). –Новосибирск: Сиб. унив. Изд-во, 2008. -158 с.; Гражданский процессуальный кодекс Республики Молдова. от 30 мая 2003 года N225-XV. <http://lex.justice.md/ru>; Гражданский процессуальный кодекс Кыргызской Республики. Принят Законодательным собранием Жогорку Кенеша Кыргызской Республики 24 ноября 1999 года. Бишкек, Дом Правительства. 29 декабря 1999 года №146.

¹² Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года, Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

¹³ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан от 13 июля 1999 года. Ведомости Парламента Республики Казахстан, 1999 г. № 18, ст. 644.

Озарбойжон Республикаси ФПКнинг 2-моддасида эса фуқаролик ишлари ва иқтисодий низолар бўйича суд ишларини юритиш республика Конституцияси ва бошқа қонунлар, қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳар бир жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд тартибида тасдиқлашдан иборатлиги, фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва жамоат тартибининг устунлигини, фуқароларни сўзсиз қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиши назарда тутилган.¹⁴

Шундай қилиб, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари аксарият ҳолларда фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборат бўлади. Бироқ айрим давлатларнинг Фуқаролик процессуал кодекс-ларида, хусусан, Украина Республикаси ФПКнинг 1-моддасида фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаси сифатида фуқаролик ишларини адолатли кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш назарда тутилган.¹⁵ Бу эса фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида ҳамда адолатли кўриб чиқиш ва ҳал этиш тушунчалари ва уларнинг моҳиятини чуқур таҳлил қилиш лозимлигини кўрсатади.

Юридик адабиётларда фуқаролик ишларини тўғри кўриш ва ҳал этиш деганда, мазкур ишни қонунлар, асослангирилган далиллар асосида кўрилиши ва ҳал этилиши тушунилади. Фуқаролик ишларини ўз вақтида кўриш ва ҳал этиш деганда эса, мазкур ишларни қонун билан белгиланган процессуал муддатларга амал қилган ҳолда ҳал этиш назарда тутилади.¹⁶

Ҳозирги кунда фуқаролик ишларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан долзарб ва мураккаб масалалардан ҳисобланади. Фуқаролик ишларини кўриш муддатларига республика судлари томонидан риоя қилиниш амалиётини умумлаштириш натижалари судда ишларнинг маълум қисми белгиланган муддатларни бузиб кўрилишини кўрсатади. Муқаддам ҳам фуқаролик ишларини судда кўриш муддатларига амал қилмаслик ва унинг қўпол равишда бузилиши билан боғлиқ муаммолар очиқ-ойдин айтилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни

¹⁴ Гражданский процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. Утвержден Законом от 28 декабря 1999 года №780-ПГ. В соответствии с Законом от 26 мая 2000 года №886-ПГ. Собрание законодательства Азербайджанской Республики, 2000 год, № 1, статья 17.

¹⁵ Гражданский процессуальный кодекс Украины от 18 марта 2004 года // ВВР. – 2004. – № 40 – 41, 42. – Ст. 492.

¹⁶ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. – Тошкент: ТДЮИ. 2010. – 25 б.

кўриш муддатлари тўғрисида”ги 18-сонли қарорини қабул қилиш пайтида (ҳозирда ушбу Пленум қарори бекор қилинган) ушбу Қарорни қабул қилишнинг зарурати ва аҳамияти ҳақида маърузачилар тўхталиб ўтишиб, “ишни яхши ташкил қилмаслик ёки суд процессларини режалаштиришда бепарволик қилиш, процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришни кечиктириб бажариш, суд мажлиси давомида процессуал ҳуқуқ мезонларини бузишлар натижасида сансоларликка йўл қўйишлик келиб чиқмоқда. Судьялар аризаларни қабул қилишда ҳуқуқий муносабатларнинг характерини, улар тартибга солинадиган ҳуқуқ мезонларни ҳамма вақт ҳам тўғри аниқламайдилар ва натижада даъво асоси, исботлаш воситалари, ишда иштирок этувчи шахслар доирасини аниқлашда хатоликларга йўл қўймоқдалар. Буларнинг ҳаммаси далилларни тўплаш, тегишли шахсларни ишда иштирок этишга жалб қилиш учун ишни кўришликни бошқа кунга қолдиришга ва фуқаролик ишларини судда кўриш муддатларини бузишга олиб келади” деб таъкидлашган эди.¹⁷

Дарҳақиқат, ушбу масала ҳозирги кунда ҳам фуқаролик процессида энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Хатто, мутахассислар ФПКдаги айрим тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўриш учун белгиланган 20 кунлик муддатда мантиқ борми, деган савол билан мурожаат қилишмоқда.¹⁸

Унда кўрсатилишича, ФПКнинг 207-моддасига асосан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ишлар суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан 20 кундан кечиктирмай биринчи инстанция суди томонидан кўрилиши керак. Шахсан ўзим қатнашган ишга тиклаш ва шунга ўхшаш суд ишларида бирорта суд ишини 20 кун ичида тугалланганини кўрмадим. Кейин бу қонданнинг амалда қай даражада ишлаётганига қизиқдим. Шундай тасаввур пайдо бўляптики, айти пайтда фуқаролик судлари судьялари аксарият қисми бу қоидага риоя қилмайди ва муддатни ўтказиб иш кўради. Лекин айб кимда, бунга сабабчи ким?

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги 1999 йил 24 сентябрдаги 18-сонли қарори // Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”ги 2018 йил 24 августдаги 26-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган https://kadrovik.uz/en/doc?id=83332_&prodid=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

¹⁸ ФПКдаги 20 кунлик муддатда мантиқ борми? 24 январь 2024 йил // <https://t.me/yuristkadr>

Бунга асосий сабаблардан бири албатта ўша-ўша эски муаммолар: фуқаролик судларида судьялар етишмаслиги ва бу судлардаги иш кўлами фантастик даражада кўплиги. Яъни, фуқаролик суди судьяси зиммасидаги ишлар шу қадар кўпки, унда меҳнатга муносабатларига оид суд ишларини 20 кунда тугатишга жисмонан имкон йўқ.

Биласиз, биз меҳнат ҳуқуқи ҳимоячиси сифатида судларда ходим ёки иш берувчи томонида туриб ҳаракат қиламиз, бироқ айтилган вазиятда юқоридаги масалада мантиқсизлик борлигини ва бундан асосан фуқаролик суди судьялари азият чекаётганини кўриб турибмиз.

Улар ҳохласа-ҳохламаса, ФПК 207-моддасидаги 20 кунлик муддат талабини бузишга мажбур бўлмоқда. Ишни чала-чулпа ва қисқа вақтда кўриб, сифатсиз қарор чиқиши эса ҳеч кимга керак эмас.

ТАКЛИФ: Фуқаролик процессуал кодексининг 207-моддасидаги меҳнат муносабатлари билан боғлиқ суд ишларини кўриш муддатини 20 кундан 1 ойга узайтириш ва бу орқали юқоридаги мантиқсизликни бартараф этиш керак.¹⁹

Дарҳақиқат, судьяларнинг иш юкласининг кўплигини ҳозирги кунда ҳам суд тизимидаги оғриқли муаммо сифатида кўрсатиш мумкин. Бинобарин, мамлакатимиз аҳолиси сони кундан-кунга кўпаймоқда. Судьяларнинг штатлар сони эса аҳолининг ўсиш суъратига қараб мутаносиб равишда белгиланмаган. Масалан, биргина 2022 йилда жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судида 58.697 та жиноят иши, 539.686 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилган. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судлар 562.304 та, иқтисодий судлар 277.865 та, маъмурий судлар 15.347 та ишни кўриб чиққан. Жами кўрилган ишларга нисбатан олинандиган бўлса, энг кўп иш ҳажми ва иш юкласи фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судьяларига тўғри келиб, умумий ҳисобда 50 фоизга яқинини ташкил этмоқда. Ушбу рақамларни ўртача ойлик иш ҳажмига нисбатан ҳисоблайдиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судининг бир судьяси бир ойда 181 та ишни, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судининг судьяси 269 та, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судининг судьяси эса 163 та ишни кўриб чиқишига тўғри келмоқда.²⁰

Шу ўринда фуқаролик ишларини судда кўриш муддатларининг бузилишига олиб келаётган ҳолатлардан бири амалдаги фуқаролик

¹⁹ ФПКдаги 20 кунлик муддатда мантиқ борми? 24 январь 2024 йил // <https://t.me/yuristkadr>

²⁰ Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 2022 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. -Тошкент 2023 йил.

процессуал қонунчиликдаги нормалар самарадорлигининг юқори эмаслиги, судда фуқаро-лик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг назарий муаммоларини ўрганишга етарли эътибор берилмаётганлиги ҳисобланади. Бу эса ҳозирги кун фуқаролик процессуал ҳуқуқ назарияси ва амалиёти ривожининг талабларига жавоб бермайди.

Маълумки, 1997 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ФПК 4-моддасида ҳамда 2018 йилнинг 1 апрелидан кучга кирган янги ФПКда фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборат эканлиги белгиланган эди. Ушбу Кодекс қабул қилингунга қадар амалда бўлиб келган Ўзбекистон ССРнинг ГПК 2-моддасида гражданлик суд ишларини юритиш вазифаси гражданлик ишларини тўғри ва тез кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборат эканлиги назарда тутилган эди.²¹ Шундай қилиб, суд муҳокамасининг тез ўтказилиши принципи ишни ўз вақтида кўриш принципи билан алмаштирилди. Шу орқали фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек, корхона-лар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ўз вақтида ҳимоя қилиш одил судловнинг самарадорлигини оширишдаги муҳим факторлардан бири сифатида ишни тўғри кўриш ва ҳал этиш билан бир қаторда қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилди.

Дарҳақиқат, суд муҳокамасини чўзиш ва унинг оқибатида ижро ишларини юритишнинг кечиктирилиши, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг суд орқали ҳимоя-ланиш ҳуқуқларини кафолотловчи конституциявий норманинг самарадор-лигини камайтиради, суд ҳокимиятининг нуфузига путур етади.

Шу ўринда “тез” ва “ўз вақтида” атамаларининг ўзаро нисбати ҳақида гапирадиган бўлсак, ушбу атамалар назарий тушунчалар қаторига мансуб эмас. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”ги 2018 йил 24 августдаги 26-сонли қарорининг 1-бандида ҳам судларнинг эътибори ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш барча даъво ва алоҳида тартибдаги

²¹ Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик процессуал кодекси. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1981 йил 30 март Фармони таҳририда. -УзССР Олий Советининг Ведомостлари, 1981 йил, № 10, 179-модда.



ишлар бўйича уларни тўғри ва ўз вақтида кўрилиши ҳамда ҳал этилишини таъминлаш мақсадига эга бўлган фуқаролик процессининг мустақил босқичи ҳисобланишига ҳамда мажбурийлигига қаратилиши таъкидланиб, ишни “тез” кўриш ҳақида эмас, балки ишни “ўз вақтида” кўриш ҳақида гапирилган.²²

Суд амалиётини таҳлил қилиш фуқаролик ишларини кўриш муддатларининг бузилишига сабаб бўлаётган ҳолатларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш имконини беради:

биринчи гуруҳга иш юритишни ташкил этишдаги камчиликларни кўрсатиш мумкин. Бунда энг аввало судьяларнинг ўзлари томонидан ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида амалга оширилиши лозим бўлган тайёрлов ҳаракатларини самарали ташкил этмаслик, суд интизомининг сусайиши, тегишли туманлараро (туман) судларининг раислари томонидан назоратнинг камайтирилиши кабиларни кўрсатиш мумкин. Хусусан, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги 18-сонли қарориди (ҳозирда ушбу Пленум қарори бекор қилинган) ҳам фуқаролик ишларини кўриш муддатларини бузишга маълум миқдорда ишни кўришга тайинлашда иш ҳужжатларини чуқур ўрганилмагани, ишни кўришга тайёрлаш вақтида айрим хатоларга йўл қўйишлар, судда иш юритиш иштирокчиларини ўз вақтида хабардор қилмаслик, суд процессини ўйламасдан ташкил қилиш ва бошқа субъектив характерга эга бўлган асослар сабаб бўлаётганлиги таъкидланади.²³

Фуқаролик ишларини кўриш муддатларининг бузилишига сабаб бўлаётган ҳолатларнинг иккинчиси сифатида фуқаролик процессуал қонунчиликдаги нуқсон ва камчиликларни кўрсатиш мумкин. Юридик адабиётларда А.А.Богомолов, О.В.Исаенкова, А.А.Сидоровнинлар ҳам процессуал муддатларни назарда тутувчи фуқаролик процессуал қонунчиликдаги камчиликлар фуқаролик ишларини ўз вақтида кўриб ҳал

²² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги 1999 йил 24 сентябрдаги 18-сонли қарори // Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”ги 2018 йил 24 августдаги 26-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган https://kadrovik.uz/en/doc?id=83332 &prodid=1 vse zakonodatelstvo_uzbekistana

²³ **Ўша жойда.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги 1999 йил 24 сентябрдаги 18-сонли қарори

этилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларни илгари сурган.²⁴

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, биринчи гуруҳга мансуб бўлган сабабларни бартараф этиш суд корпусининг малакаси ва интизомига боғлиқ ҳисобланади. Фуқаролик ишларини судда кўриш муддатларининг бузилишига сабаб бўлаётган иккинчи ҳолат эса фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштириш орқали бартараф этилади.

Юридик адабиётларда фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари сифатида фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан бир қаторда ишларни адолатли кўриб чиқиш ҳам назарда тутилади.²⁵ Ҳатто, юқорида таъкидланганидек, МДҲга аъзо айрим давлатларнинг, хусусан, Украина Республикаси ФПКнинг 1-моддасида фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаси сифатида фуқаролик ишларини адолатли кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш назарда тутилган.²⁶

Дарҳақиқат, миллий процессуал қонунчилигимизда “адолатлилик” тамойили назарда тутилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-моддасида суднинг ҳал қилув қарори қонуний, асослантирилган ва адолатли бўлиши кераклиги назарда тутилган. Бироқ фуқаролик процессуал қонунчиликда на ҳал қилув қарорининг ва на судда фуқаролик ишини кўриш ва ҳал этишнинг адолатли бўлиши деганда нималар тушунилиши ҳақида махсус норма мустаҳкамланмаган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 13-сонли қарорида ҳам мазкур талаб ҳақида ҳеч қандай тушунтиришлар берилмаган.²⁷ М.М.Мамасиддиқов ўз асарларида суд ҳал қилув қарорларига нисбатан қўйилган “адолатли” бўлиши талаби ҳақида гапириб, масалан, маънавий зарарни ундириш, моддий зарар ёки бошқа мол-мулкни ундиришга оид фуқаролик ишлари бўйича даъво талабларини қаноатлантиришда тарафларнинг, хусусан, жавобгарнинг иқтисодий имкониятларига ва бошқа иш ҳолатларига мувофиқ бўлиши кабиларда

²⁴ Богомолов А.А., Исаенкова О.В., Сидоровнин А.А. Своевременность разрешения гражданских дел как задача гражданского судопроизводства // Арбитражный и гражданский процесс, N 6, 2002. – 22 с.

²⁵ Чудаева О.П. Реализация задач гражданского судопроизводства в стадии судебного разбирательства: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -М., 2009. -28 с.

²⁶ Гражданский процессуальный кодекс Украины от 18 марта 2004 года // ВВР. – 2004. – № 40 – 41, 42. – Ст. 492.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 13-сонли қарори.

кўпроқ намоён бўлади, деган фикрни илгари сурган.²⁸ О.Оқюлов ўз асарларида зарар миқдорини аниқлашдаги “адолатлилик” деганда тоvon пули миқдорини белгилашда унинг маънавий зарар ҳажмига, оқибатларига мутаносиблиги, жабрланувчига нисбатан компенсация (қоплаш) функциясини бажара олиш хусусиятларида намоён бўлишини таъкидлайди.²⁹

Судда фуқаролик ишларини адолатли кўриш ва ҳал этишнинг фуқаролик суд ишларини юритишнинг асосий вазибаларидан бири эканлиги халқаро ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топган. Хусусан, адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ куйидаги халқаро ҳужжатларда: 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (10-модда), 1950 йилдаги Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция (6-модда), 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (14-модда), 1995 йилдаги Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги МДҲ Конвенцияси (6-модда)да назарда тутилган.³⁰

Адабиётларда фуқаролик ишларини адолатли кўриш ва ҳал этишнинг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллиги ва холислиги кўрсатилади.³¹

Фуқаролик ишларини адолатли кўриш ва ҳал этишни таъминлашда фуқаролик процессининг бир қатор принциплари муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ФПКнинг 12-моддасида судда иш кўришнинг ошкоралиги ўз ифодасини топган бўлиб, мазкур принцип судда иш кўриш ва ҳал этишнинг адолатлилигини таъминлашдаги муҳим элементлардан ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқаролик ишларини адолатли кўриш ва ҳал этишнинг муҳим аҳамият касб этишини ҳамда миллий процессуал қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормалари билан ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2-моддасида фуқаролик суд

²⁸ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масьул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент: ТДЮИ. 2010. – 496 б.

²⁹ Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари / Сўз боши, масьул муҳаррир акад. Ҳ.Р.Раҳмонқулов. –Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 307-308.

³⁰ Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. –Тошкент: Адолат, 1992. –40 б.

³¹ Чудаева О.П. Реализация задач гражданского судопроизводства в стадии судебного разбирательства: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -М., 2009. -28 с.



DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN MODERN SCIENCES

International scientific-online conference



ишларини юритиш вазифалари сифатида фуқаролик ишларини адолатли кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳам назарда тутилиши таклиф қилинади.

